

Истиқлолнинг шарафли йўли!
(Мустақилликнинг 25 йиллигига бағишланади)
Тошкент Архитектура-қурилиш институти “Фалсафа ва ижтимоий фанлар”
кафедраси мудири профессор Тўлқин Алимардонов

Истиқлолга юз тутган халқлар тарихининг гувоҳ беришича давлатларнинг ривожланиш истиқболи, тараққиёт мезонлари миллатнинг маънавий салоҳияти билан белгиланар экан. Зеро, фақат ўзлигини англаган, муштарақ мақсадларда яқдил, муддаолари уйғун, ягона маслақдаги маданиятга эга халқлар барқарор ва истиқболли ривожланиш йўлидан борадилар. Шу маънода, халқлар давлатчилиги тарихи ривож ҳар бир даврнинг ўтиш муаммолари негизида мураккаб эврилишлар билан янги асрга қадам қўяди ва жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллайди.

Ўтиш даври миллатнинг муайян ижтимоий даражадан янги сифат босқичига ўтишидаги оралиқ масофа, янгилаш жараёни, тараққиёт кафолатлари каби омиллар билан ифодаланади. У жамиятда адолатли демократик институтларни етакловчи куч сифатида қарор топиши билан яқунланади ва барқарор истиқболга йўл очади. Мавжуд ижтимоий жараёнларни босиб ўтиш барча халқларга хос, аммо ўтиш йўллари танлаш ва амалга ошириш жамиятнинг алоҳида миллий хусусиятлари билан белгиланади. Шунинг учун ҳам бу босқичда раҳбариятнинг етакчилик маҳорати, миллатнинг салоҳияти ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилади. Бундай омиллари заиф халқлар ҳаётини ўтиш даври зиддиятлари ўз домига тортиб кетади. Шу жиҳатдан ҳам халқлар ҳаёти ва давлатчилик тарихини ўрганиш, таҳлил қилиш, тажрибалардан сабоқ чиқариш, давлатчилик ва у билан боғлиқ бошқарув тизимлар шакли моҳиятини ўрганиш долзарб масалалар қаторига киради. Шу ўринда, айтиш жоизки, халқларнинг давлатчилик ривожига ўтиш даврининг эволюцион модели Шарқ халқлари тараққиёти учун энг мақбул йўл эканлиги Ўзбекистон мисолида ўз тасдиғини топди.

Ўзбекистон танлаган эволюцион йўлнинг “Ўзбек модели” заминида ортиқча ижтимоий ларзаларсиз, барқарорлик асосида, босқичма-босқич жамият ижтимоий имкониятларини ҳисобга олиш орқали демократик жамиятни шакллантиришга қаратилган таълимотни ўзида мужассам этганлиги, айти пайтда, бу йўлнинг миллат турмуш маданиятига хослиги билан эътироф этилди. Тадрижий босқичга хос хусусиятлар жамиятда амалга ошириладиган ислохотлар кетма-кетлиги, мунтазамлилик, изчиллик, уйғун характерларига эга бўлди. Бундай тамойилга бўлган эҳтиёж жамият иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий бўшлиқларини тўлдиришга, ташкил этишга, яратилишига, шакллантирилишига, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланишга қаратилганлиги билан изоҳланади.

Ҳар бир давр ўзига хос сиёсий вазияти билан ижтимоий ҳаёт ривожига таъсир кўрсатади. Ҳар бир даврнинг ўз таълимоти ва ёндашув тамойиллари юзага келади. Ушбу вазиятни англаш, шунга мос йўл-йўриқ танлаш ўтиш даври талабларидан ҳисобланади ва миллатнинг барқарор ривожланишини кафолатлайди. Ўтиш даврининг ўз қонуниятлари мавжуд бўлгани каби, ғавқулотда ижтимоий ўзгаришлар ҳам тадрижий ривожланишнинг моҳиятига зид келади. Бошқача қилиб айтганда, инқилобий таъсирни жамиятнинг ўзи инкор қилади. Тадрижий таълимот ижтимоий қонуниятларнинг жамият имкониятларига

мувофиқлаштирилгани, уйғун сиёсий ислохотлар белгилангани билан самарали натижалар беради. Иқтисодий ислохотларнинг бозор муносабатларига йўналтирилиши, инфратузулмаларнинг жорий этилиши, ишлаб чиқариш муносабатларини ташкил этиш, мулкдорлар қатламининг ўсиб бориши билан жамиятда инсон манфаатлари, қонун устуворлиги, ижтимоий ҳимоя каби демократик қадриятлар таъминланади. Янги жамият асосларига дахлдор ижтимоий омиллар бири иккинчисини тўлдиришга хизмат қилади. Мазкур омилларнинг аҳамиятини инобатга олмаслик ёки суиистеъмол қилиш салбий оқибатларга олиб келади. Собиқ иттифоқ республикаларидаги давлатларнинг тоталитаризмдан демократияга ўтиш жараёнлари анча таҳликали ва фожияли кечди. Мазкур тажрибалардан қандай сабоқлар чиқаришимиз лозим бўлади?

Биринчи сабоқ: жамиятда маъмурий-бўйруқбозлик тизимига барҳам бермасдан, демократик институтларни шакллантирмасдан, бозор иқтисоди инфраструктурасини яратмасдан, кучли ижтимоий ҳимоя мурватларини ташкил этмасдан, хусусий мулкчиликнинг ҳуқуқий асосларини яратмасдан қонун устуворлигини орзу қилиш оқибатлари давлат мулкининг талон-тарож бўлишига, бой-камбағ қатламларининг ҳаддан ортиқ табақаланишига, ишсизликнинг ошишига, аҳоли турмуш даражасининг пасайишига олиб келади. Натижада демократик тартиботлар реал бозор иқтисоди талаблари ўртасида кескин зиддиятлар вужудга келадик, миллий давлатчилик тақдирини жар ёқасига етаклаб боради.

Иккинчи сабоқ: саноати ривожланмаган, асосан, аграр соҳага ихтисослашган давлатларда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий асосларини яратмасдан фалаж усулида сиёсий ислохотларни илгари суриш нафақат ҳато балки, хавфли. Собиқ иттифоқ давлатларининг деярли барчасида бўлиб ўтган миллий, этник, диний мажоралар буни ўз даврида исботлади. Тоталитар жамият зуғумидан азият чеккан халқлар иккинчи бир анархик тузоқнинг сиртмоғига тушишига олиб келди. Истиқболи мавҳум, умидсиз қолган фуқаролар эса, демократияга бўлган сўнги илинжларини ҳам йўқотиб бордилар. Айтиш жоизки, ўтиш даврининг мураккаблиги бир йўла мустамлакачилик сиртмоғи билан йиллар давомида чирмашиб кетган тизимни бартараф этиш баробарида янги миллий давлатчилик асосларини яратиш вазифалари турар эди. Бундай муаммолар давлатчилик тажрибаларида камдан-кам учрайдиган мураккаб ходисалар сирасига киради.

Учинчи сабоқ: демократик жамият асослари ўз моҳиятига кўра дастлабки даврий босқичларни талаб қилади. Юқорида қайд этилган муаммолар ечимини топиш, истиқболли мақсад ва вазифаларни белгилаш, режалар тузиш, энг муҳими, амалда таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий пойдеворларини яратиш орқали эришиланади. Ваҳоланки, мустамлакачилик асоратларидан қутулиб улгурмаган халқ янги жамият асосларини тасаввур этиши қанчалик қийинлигини даврнинг ўзи исботлади. Тобелик, мутелик, боқимандалик кайфияти руҳиятига сингиб кетган инсон бир кунда ўзини демократик ғояларга бахшида этишга қодир шахсга айланиб қолмаслиги аён бўлди. Қолаверса, халқнинг ишонувчанлиги туфайли соҳта, баъзан жинойтчи гуруҳларнинг ҳокимият бошқарувига келганлигига гувоҳ бўлдик. Фуқаролар уруши билан якунланган

“демократик тажриба” натижалари “сиёсий дохий”ларнинг найрангларида бошқа нарсани тасдиқламади. Ундан чиқди, озодлик ороли сари сузиш учун нафақат истак, балки, шу истакни рўёбга чиқарувчи ва унинг тўлқинларидан ғарқ бўлмайдиган мустаҳкам кема керак экан.

Собиқ Иттифок ҳудудидаги аксарият давлатлар ана шундай мавҳум даъватларнинг сеҳри ва жозибасига учиб, алданиб, қандай оғир аҳволга тушиб қолгани ҳам бугун ҳеч кимга сир бўлмагани айни ҳақиқат. Ҳокимиятлар (манфаатдор кучлар) ўртасидаги ихтилофли тўқнашувларга, сиёсий бошқарув тизимининг издан чиқишига, парламент жанглари ва унинг ортидан жамиятда беқарорлик, жиноятчилик, ишсизлик, иқтисодий инқирозлар, коррупция, бошбошдоқлик орқали турли “рангли инқилоблар”ларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Энг ачинарли ҳолат, бу давлатлар иқтисодий ривожини бир неча йилларга сўриб юборди. Бугун аччиқ тажриба сабоқларидан билаяпмизки, ҳеч қандай сиёсий вазлар, ҳаттоки, иқтисодий қийинчиликлар миллий давлатчилик негизларига путур етказиш учун асос бўла олмайди. Қандай мақсадда бўлмасин, ўз уйини, юртини вайрон қилган инсонинг, халқнинг истиқболи бўлмаслиги каби сабоқларни берди.

Тўртинчи сабоқ: халқаро майдондаги давлатларнинг бирёқлама манфаатларга асосланган муносабати, мафкуравий ва иқтисодий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган хуфиёна сиёсат ёш давлатларни ўз домига тортаётганлиги бугунда сир эмас. Халқаро майдонда ҳар хил ташкилотлар ниқоби остида кучли давлатлар томонидан амалга оширилаётган геосиёсат кўплаб мамлакатларнинг тараққиётини издан чиқариб юборилишига сабаб бўлди. Қолаверса, турли ижтимоий, маънавий, сиёсий, иқтисодий шароитда бўлган маданиятлар ривожиде демократия экспортини қабул қила олмади. Зўрлаб киритилган мафкура зўрлаб чиқарилишига олиб келди. Бу эса ўз навбатида фуқаролараро турли ихтилофларга сабаб бўлди.

Давлат ва жамият қурилиши жуда мураккаб бўлиб, унинг таркибидаги бири-бирига боғлиқ соҳаларни бир вақтнинг ўзида жадал ривожлантириш мушкул. Уларнинг бири иккинчисига замин ва имкониятлар яратади. Қайсидир асосий соҳа аввал ривожланиб, бошқа соҳа ва тармоқлар учун локоматив вазифасини бажаради. Албатта, бу жараёнда ҳар бир соҳанинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш, ҳолис таҳлил қилиш, ўз вақтида тегишли чора-тадбирлар қўллаш, уларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш каби вазифаларни амалга ошириш зарур.

Мамлакатимизда мустақиллик эълон қилганидан сўнг унинг олдида улкан имкониятлар очилиши билан бирга, илгари биз дуч келмаган кўпгина ижтимоий-сиёсий муаммолар йўлимизда кўндаланг бўлганини эсга олиш ўринли. Бундай ғов ва тўсиқлар сирасига собиқ иттифокдан мерос бўлиб қолган бирёқлама иқтисодий бошқарув асослари, марказлаштирилган аграр сиёсат, маъмурий буйруқбозлик, боқимандалик кайфиятлари ва бошқа шу каби ижтимоий иллатларни санаб ўтиш мумкин бўлади.

Президент И.Каримов Ўзбекистонда юзага келган таҳликали муаммоларни 90 йилда мустақиллик остонасида кўтариб чиққан эди. Чунончи, маърузада шундай дейилади: -“ Республика асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар

бўйича Иттифокдаги ўртача даражадан ҳам анча орқада бўлиб, мамлакатда охириги ўринлардан бирида турган. Ўзбекистон ҳар киши бошига ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда 12 ўринда, аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш бўйича кўрсаткич эса Иттифокдаги ўртача даражадан икки ҳисса паст¹. Шунга мувофиқ, саноат, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий инфраструктура ва бошқа кўплаб соҳалар издан чиқиб кетган. Шунга қарамасдан “Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди” шиори билан ислохотларни изчил амалга оширишга киришилади.

Қуйидаги иқтисодий жадвал бизга мерос бўлиб қолган мусталакачилик сиёсатига асосланган маъмурий-бўйруқбозлик тизими асоратларини бартараф этишга қаратилган машаққатли ислохотларнинг дастлабки қадамларини тасаввур қилиш имкониятини беради.

Ўзбекистон		
	ЯИМ, млрд. АҚШ долл. (\$US)	ЯИМ реал ўсиш кўрсаткичи, %
1992	3,6	
1993	5,5	-2,3
1994	6,5	-5,2
1995	10,2	-0,9

Манба: IMF World Economic Outlook (WEO), April 2016².

Мазкур жадвалдан хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон ўта мураккаб ва машаққатли синовлар бўсағасида эндигина ҳуррият остонасига ҳатлаб кираётган инсоннинг қадамларини эслатади. Шундай экан, табиий равишда савол тўғилади. 1990 йилларга келиб республика бошқарув идоралари издан чиққан, иқтисодий ночор, озиқ-овқат танқислиги кўчайган, ишсизлик, энг ёмони жамиятда паркандалик шароитларини бартараф этишда “Ўзбек модели” нинг қандай авзаллиги бор эди? Бу таълимот портлашга тайёр турган ижтимоий-иқтисодий, миллий-этник муаммоларни тинч йўл билан ҳал этишнинг қандай чоратадбирларини ўзида мужассам қилган? Мамлакатда “Ўзбек моделига” асосланган ўтиш даври концепцияси қандай босқичлардан ўтди? Бу давр босқичларининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий аҳамияти ва натижалари нималарда намоён бўлди? Ва биз, бугун, амалга оширилган ислохотлардан олишимиз лозим бўлган сабоқлар нималардан иборат?

Албатта, бир маъруза ҳадди доирасида мустақиллик йилларида Ўзбекистон эришган ютуқларнинг моҳиятини очиш мураккаб масала. Аммо, ҳисса қўшиш мумкин. Шу мақсадда, тадқиқот изланишларига биноан “Ўзбек модели” босқичларини шартли равишда компенсация, адаптация, интеграция ва инновация давлари сифатида таҳлил қиладиган бўлсак, унинг узвий ва изчил ривожланиш қонуниятларини кўзатамиз. Жумладан, дастлабки, **компенсация ва адаптация** даври (1991-2000й.) – ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясини амалга

¹Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон” 2011. Б.5.

²<http://knoema.ru/tbocwag/gdp-by-country-1980-2015>.

оширишга қаратилган давр бўлиб, тўлдириш, таъминлаш, қоплаш, мослашиш, мувофиқлашиш, кўникма ҳосил қилиш маъноларида қўлланилади. Бу даврдаги ислохотларнинг асосий мақсади собиқ иттифоқ парчаланиши оқибатида марказлашган маъмурий бўйруқбозлик бошқарувига, коммунистик монополь зуғумга айланган мафкурага хотима ясаши натижасида мамлакатда ҳар томонлама юзага келган бўшлиқни тўлдиришдан иборат эди. Бу тўлдириш, ўзбек давлатчилиги анъаналари билан дунёвий жамият қуришнинг энг илғор ғояларини ўзида мужассамлаштирган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ишлаб чиқиши билан бошланди. У ўзбек миллатининг орзу-умидлари ва истиқбол мақсадларини ифода қилувчи дастурга айланди. Унинг аҳамиятли жиҳати мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитдан ортиқча ларзаларсиз, барқарорликни сақлаш орқали ўтиш даври ислохотларини даврлаштириш, мувофиқлаштириш, бошқарувнинг мувозанатини таъминлаш, иқтисодий ўзгаришларни мустаҳкамлаш ва мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш шароитлари яратилди. Бошқача қилиб айтганда, давлатчиликнинг миллий ва мустақил асосларини яратишга қаратилган янги давр остонасига қадам қўйилди.

Шунга мувофиқ, Ўзбекистонда иқтисодиётни бошқаришнинг мустабид, марказлашган тизимига барҳам бериш, мустақил Ўзбекистоннинг янги сиёсий ва давлат тузилиши асосларини, аввало, қонунчиликни шакллантириш, марказда ва жойларда ваколатли ҳокимият органларининг яхлит тизимини ташкил этишга қаратилган ишлар босқичма-босқич амалга оширилди. Вилоят, туман ва шаҳарларда ҳокимлик институтлари жорий этилди. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари тизими — маҳалла институтини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши энг муҳим тамойил сифатида белгиланди. Демократик сиёсий институтлар, янги давлатчилик асослари — вазирлик идоралари, уюшмалар, концерн ва компаниялар ташкил этилди. Бозор иқтисодига мос ишлаб чиқариш шакллари, банк ва молия инфратузулма, миллий валюта, солиқ, божхона, миллий муҳофаа ташкил этилди. Конституция талаблари асосида уларнинг ҳуқуқий базаси шаклланди. Шулар қаторида жамиятнинг маънавий қиёфасини ўзгартиришга, ёш авлодни тарбиялашга қаратилган “Таълим тўғриси”даги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Тарихий маданий меросимизни тиклаш борасида улкан саъий-ҳаракатлар бошлаб юборилди.

Бу даврда асосий эътибор ислохотлар тизимига татбиқ этилган янгиликларни босқичма-босқич эскиси билан алмаштириб боришга, аҳоли дунёқарашини мустақил давлатчилик ва унда амалга ошаётган ўзгаришларга мослаштиришга, барча соҳаларда татбиқ этилаётган янгиликларга фуқароларнинг кўникиб, уларни ўзлаштириб олишига шарт-шароитлар яратишга ёрдам беришга катта эътибор қаратилди. Бу босқичлар икки даврий жараёнлар кесимида кузатилади. Биринчиси, бу миллий давлатчилик асосларининг жорий этилиши, сингдирилиши, такомиллашиб ҳаётга тадбиқ этилиш жараёнлари — **компенсация** даврини ўз ичига олса, иккинчи даврий жараён давлат бошқарув механизмлари белгиланган ислохотларни амалга ошириш имконияти ва самардорлигини амалда рўёбга чиқариши, айти пайтда, фуқаролар онгида янги қадриятларнинг қарор

топиши, мустақиллик ғояларининг фаол эҳтиёжга айланиши каби ўзгариш ва мослашувлар жараёни – **адаптация** даври ҳисобланади.

Миллий давлатчилик ривожининг илк босқичлари — компенсация ва адаптация даврлари, албатта, биз ўйлаганчалик силлиқ амалга ошган эмас. Бир томондан, собиқ иттифокдан қолган маъмурий бошқарув тизимининг барча усуллари аллақачон инқироз ёқасига келиб қолган эди. Мамлакатда ишсизлик, озиқ-овқат танқислиги, ижтимоий ҳаётда парокандалик юзага келган. Шундай бўлса-да, бир томондан эскирган матоҳ каби титилиб қолган жиловни ҳали-бери қўйиб юборишга шошилмаётган шовинист кайфиятлардан қўтула олмаган аламзадалар орқали республикага босим ўтказиб турилган бўлса, иккинчи томондан, мамлакатда юзага келган бошбошдоқликдан фойдаланиш илинжида зимдан ўз ҳаракатларини бошлаган диний-фундаментал ва экстремистик гуруҳлар тажоввузи миллатни боши берк кўчага олиб кираётган эди. Учинчи томондан эса, коммунистик ғоя ва маданият таъсирида ўзлигини йўқотганлар бир тараф бўлса, уларга мухолиф равишда ўзлигини англашга улгурмаган миллатчи-демократлар бир тараф эди. Барча тарафга маҳлиё ва бефарқ қатламлар ҳам бир тараф. Бу жараёнларда мустамлакачилик даври интиҳоси билан юзага келган ўта мураккаб, зиддиятли, портлашга тайёр барча ижтимоий (миллий, этник, диний, демографик, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-рухий) ихтилоф омиллари пишиб етилган эди.

Шу тариқа, Ўзбекистонда ҳам давлатчиликни сақлаб қолиш масаласи таҳликали бўлди. Чунончи, ўша даврларда жамиятда ҳукм сураётган инқироз аҳолини фуқаролар уруши томон етаклаганини бугун ҳеч ким инкор этаолмайди. Ғанимлар гоҳ Фарғонада, Қувасой, Қўқон, Бўка ва Паркент, Гулистон, Тошкентда, гоҳ Ўшда фитна уюштириш билан овора эди. Диний экстремистлар Наманганда ислом давлатини ташкил қилиш орзусида. Террорчи тўдаларнинг Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари тоғли туманлари орқали суқилиб кириши, сўнгра Андижон воқеалари мустақил давлатчиликни кўпоришга, барқарор ривожланишни издан чиқаришга қаратилган ўринишлари ўта таҳликали воқеалар эканлигидан далолат беради. Ўзбекистон турли мафкуравий оловлар исканжасида ўз мустақиллигини ҳимоя қилишга мажбур эди. Мана шундай таҳликали ҳолатда давлатнинг бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз бўйнига олгани, халқнинг дардига малҳам бўлиб, унга барқарор ва тинчликни таъминлаганлиги энг олий вазифаларидан эканлиги ўз исботини амалда топди.

Ўтиш даврида иқтисодиётнинг мафкурадан холилиги муҳим аҳамиятга эгаллиги бир неча омиллар билан тасдиқланади. Жумладан, собиқ иттифок мафкурасининг иқтисодий ҳаётни монополиялаштирилиши оқибатида мамлакатни мустақил ривожланиш имкониятларидан маҳрум қилган. Натижа халқ хўжалиги деярли издан чиққан, очарчилик ёқасига келиб қолган халқни боқиш, ишсиз қолган одамларга, аксарият ёшларга янги ишчи ўринларни яратиш зарур. Қишлоқ шаҳарни боқмай қўйган, озиқ-овқат танқислиги кучайган. Янгича фикрлайдиган мутахассис кадрлар тақчиллиги боис иқтисодни, молияни – барча халқ хўжалиги инфраструктурасини ўзгартириш, борини асраб-авайлаб ишлатиш, янгиларини барпо қилиш ижтимоий ислохотларнинг бирламчи вазифаларига айлантирилди. Мамлакатимизнинг узок ва давомли манфаатлари тақозо этган ҳолатларда ва кескин вазиятлардан чиқиш, улар туғдирадиган муаммоларни ҳал

этиш зарур бўлганда иқтисодиётда давлат томонидан бошқарув усуллари қўлланди ва бундай ёндашув охир-оқибатда ўзини тўла оқлади³.

Бу йиллар қанчалик мураккаб, оғир шароитларда кечган бўлмасин, кейинги босқичларнинг ижтимоий-иқтисодий пойдевори ва заминларини яратишга хизмат қилди. Ўзбекистон ислохотларнинг биринчи босқичларидаёқ ЯИМ бўйича ижобий кўрсаткичларга эриша олди. Иқтисодиёт таркибий тузилмаларида амалга оширилган машаққатли структуравий ўзгариш ислохотлар йўлининг тўғри танланганлигидан далолат беради. Амалга оширилган иқтисодий ва структуравий ўзгаришлар натижалари мамлакат иқтисодиётини юксалиш даври ҳисобланган иккинчи босқичда интеграцион жараёнларини таъминлаш ҳамда макроиқтисодий барқарорликка эришишга хизмат қилди (2-жадвал).

Ўзбекистон		
	ЯИМ, млрд. АҚШ долл. (\$US)	ЯИМ реал ўсиш кўрсаткичи, %
1996	13,9	1,7
1997	14,7	5,2
1998	14,9	4,3
1999	17,0	4,3
2000	13,7	3,8

Манба: IMF World Economic Outlook (WEO), April 2016⁴.

Мазкур жадвал кўрсаткичлари компенсация ва адаптация даврида амалга оширилган ислохотлар натижаси ўз самарасини берганлигидан далолат беради.

Интеграция даври (2001-2007). “Интеграция” атамаси бирлашиш, қўшилиш, сингиш, умумжаҳон тараққиёти жараёнларига мувофиқ қадам ташлаш каби маъноларни қамраб олади. Жумладан, бу тушунча давр чақириқларига муносиб жавоб бериш, илм-фан ва технология янгиликларини амалий ишлаб чиқаришга татбиқ этиш орқали илғор мамлакатлар сафидан жой олишга эришиш мазмунида қўлланилади. Ўз навбатида шундай мазмун дунё жамоатчилиги, шунингдек, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан ҳам эътироф этилади. Айни пайтда ривожланган давлатлар тажрибасини амалда татбиқ этиш миллий иқтисодиётнинг умумжаҳон тизимига кириб боришига хизмат қилди. Халқаро муносабатларнинг юксак маданий даражасига эришилди, дунё мамлакатлари орасида Ўзбекистоннинг ўрнини белгилашдек вазифа амалга оширилди ҳамда унинг янги имкониятлари юзага чиқарилди. Натижада мамлакатимизни модернизациялаш йўлидаги дадил қадамлар жамиятда рақобатбардош индустриал салоҳият пойдеворларини вужудга келтирди. Мамлакатда қатор йирик индустриал иншоотлар ишга туширилдики, улар макроиқтисоднинг таркибий қисмига айланди. Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни қўллаб-

³Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/ Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б. 8.

⁴<http://knoema.ru/tbocwag/gdp-by-country-1980-2015>.

қувватлаш мақсадида хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Президент Ислом Каримов мамлакатимиздаги “ўтиш даври” ва келгуси тараққиёт босқичларининг вазифаларини белгилаб бераркан: “Ватанимиз ва халқимиз тарихида муҳим ўрин тутган ушбу даврда том маънода туб ўзгаришлар амалга оширилди, халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланган, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ва мустаҳкам ўрнига эга бўлган – Ўзбекистон деб аталган янги демократик давлат барпо этилди. Бугун ана шу мустаҳкам пойдевор асосида мамлакатимизни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг янги даври – миллий тараққиётимизнинг кейинги мантикий босқичи изчил давом этмоқда”⁵, деб баҳолайди. Дарҳақиқат, демократик жараёнларни чуқурлаштиришга доир ютуқларимиздан бири икки палатали парламент ташкил қилинди. Бу, бугунда демократик давлат қонунчилик асосларини яратувчи профессионал мутахассисларни шаклланишига, айни пайтда жаҳон андозаларига мос қонунларнинг ишлаб чиқилишига олиб келди.

Мазкур даврда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар натижаларини қуйидаги ўсиш тенденцияларида намоён бўлганлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистон		
	ЯИМ, млрд. АҚШ долл. (\$US)	ЯИМ реал ўсиш кўрсаткичи, %
2001	11,6	4,2
2002	9,7	4,0
2003	10,1	4,2
2004	12,0	7,4
2005	14,3	7,0
2006	17,0	7,5
2007	22,3	9,5

Манба: IMF World Economic Outlook (WEO), April 2016⁶.

Бу даврга келиб ислоҳотлар самараси аҳоли турмуш даражасининг кескин равишда ўсишига олиб келди. Жумладан, ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга ажратилган ҳаражатлар 1990й- 31,5%, 2000й -42,5%, 2011й - 58,9%, 2016й- 59,1% ошди. Шундан таълимга ажратилган ҳаражатлар кўрсаткичи 1990й – 17,9%, 2000й – 23,2%, 2011й – 33,4%, 2016й – 33,7% ўсди. Соғлиқни сақлаш бўйича 90й – 10,0%, 2000й – 8,7 %, 2011й – 13,3, 2016й- 14% ошганлигига⁷ гувоҳ бўламиз. Мустақиллик йилларида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси учун йўналтирилган давлат ҳаражатлари 5 баробардан зиёд ошди.

⁵Каримов И. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т. “Ўзбекистон”. 2008. Б.36

⁶<http://knoema.ru/tbocwag/gdp-by-country-1980-2015>.

⁷Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б. 9.

Ҳар йили давлат бюджети ҳаражатларининг ярмидан ортиғи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда. 2004-2010 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури амалга оширилди. Бунинг натижасида 7800 дан зиёд умумтаълим мактаби янгидан қурилди, таъмирланди ва реконструкция қилинди, уларнинг умумий сони эса 9860 тага етди. 8 мингдан ортиқ таълим муассасаси капитал таъмирланди, газ ва сув билан таъминланди, марказлаштирилган канализация тармоқларига уланди⁸. 1998-2016 йиллар оралиғида 144 та академик лицей, 1412 та касб-ҳунар коллежлари ва уларнинг 37 та тармоқ филиаллари ташкил этилди ва фаолият юритиб келмоқда⁹. Мазкур босқичлар янги - инновацион даврнинг бошланишига замин яратди.

Инновация даври мамлакатимизда 2007 йилдан ҳозирги кунгача давом этиб келаётган учинчи босқич ҳисобланади. Ушбу даврнинг ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистоннинг демократик ислохотлар йўлида янги тараққий этган индустриал ривожланиш босқичига қадам қўйиши билан белгиланади. Бу давр жаҳон тажрибалари ҳамда синовларидан ўтган, бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат ва жамият бошқарувининг энг илғор тамойилларини татбиқ этишга қаратилган янги босқични бошлаб берди. Жумладан, мамлакат экспортида саноат маҳсулотлари улушини кескин ошириш, жаҳон бозорида Ўзбекистоннинг замонавий ишлаб чиқаришга асослангани саноат корхоналарида яратилган маҳсулотлари ҳисобига мамлакатимиз ўрнини мустаҳкамлаб боришга муҳим замин яратмоқда. Ислохотлар натижасида ялпи ички маҳсулотимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етди ёки 1,8 баробар ошди.

Ҳозирги пайтда ушбу соҳада жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд жами аҳолимизнинг 77 фоиздан ортиғи мазкур тармоқда меҳнат қилаётгани, ўз пешона тери билан нафақат ўз оиласини боқаётгани, балки мамлакатимиз бойлигига бойлик қўшаётгани, аввало, мустақиллик бизга очиб берган имкониятларнинг яққол исботи¹⁰. Аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромадлар улуши тобора ортиб бормоқда. Мустақиллик йилларида бу борадаги кўрсаткич 10,6 фоиздан 52 фоизга ўсди. Бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир¹¹.

Ислохотлар стратегиясида асосий эътибор рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий корхона ва хўжалик субъектларини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тизимини илм-фан ютуқларини амалиётга жорий этиш орқали такомиллаштириш, ўрта мулкдорлар қатламини, тадбиркор-инноваторларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириб бориш, инвестиция ва молиялаштириш борасида халқаро муносабатларни янада ривожлантиришга кенг аҳамият берилди. Мустақиллик йилларида хизматлар

⁸Ўша манба. – Б. 103.

⁹Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотлари.

¹⁰Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 19 январь 2015 й.

¹¹Ўша ерда.

соҳаси таркибида миллий иқтисодийимиз учун мутлақо янги бўлган замонавий банк тизими, аудит, суғурта, лизинг, консалтинг, мобиль ва видеотелефон хизматлари, интернет каби хизмат кўрсатиш соҳалари пайдо бўлди. Агар хизматлар улуши 1990 йили яппи ички маҳсулотда 33,8 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2000 йилда 37 фоиз, 2011 йилга келиб эса 50,5 фоизга, 2013 йилда 53 фоизга етди¹². Машинасозлик ва метални қайта ишлаш саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1990 - 2011 йилларда 13,1 баробар ўсди¹³. Натижаларни қуйидаги жадвал маълумотларида кўриш ва баҳолаш мумкин.

Ўзбекистон		
	ЯИМ, млрд. АҚШ долл. (\$US)	ЯИМ реал ўсиш кўрсаткичи, %
2008	28,6	9,0
2009	33,5	8,1
2010	39,0	8,5
2011	45,4	8,3
2012	51,2	8,2
2013	57,2	8,0

Манба: IMF World Economic Outlook (WEO), April 2016¹⁴.

Буларнинг натижасида, жумладан, биргина 2015 йилнинг ўзида ана шу мақсадларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди ва ўзлаштирилди. Бу 2014 йилга нисбатан 9,5 фоиз кўпдир. Жами инвестицияларнинг 3 миллиард 300 миллион доллардан зиёди ёки 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялар бўлиб, шунинг 73 фоизи тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир. Инвестицияларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. Бу эса 2015 йилда умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион доллар бўлган 158 та йирик ишлаб чиқариш объекти қурилишини якунлаш ва фойдаланишга топшириш имконини берди. Тошкент иссиқлик электр станциясида 370 мегаватт қувватга эга бўлган буғ-газ қурилмаси барпо этилиши, Чорвоқ ГЭСи гидрогенераторлари модернизация қилиниши, Қўнғирот сода заводида кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқариш кенгайтирилиши, «Самарқандкимё» акциядорлик жамиятида 240 минг тонна қувватга эга бўлган мураккаб таркибли янги ўғитлар ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилиши, «Мотор заводи» акциядорлик жамиятининг фаолият кўрсатмаётган ишлаб чиқариш майдонларида трактор тиркамалари, жумладан, катта ҳажмли тиркамалар, маиший техника учун таркибий қисмлар ва бошқа

¹²Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2011 йиллар) асосий тенденциялари ва кўрсаткичлари ҳамда 2012-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013. – Б. 27.

¹³Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2011 йиллар) асосий тенденциялари ва кўрсаткичлари ҳамда 2012-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013. – Б. 28.

¹⁴<http://knoema.ru/tbocwag/gdp-by-country-1980-2015>.

маҳсулотлар ишлаб чиқариш ташкил этилиши шулар жумласидандир¹⁵.

Бу давр давлат ва жамият ривожини янги сифат даражасини белгилашга қаратилган Президент И.Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да ўз ифодасини топган. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ҳамда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини, сайлов ҳуқуқини таъминлаш, сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, ривожлантириш, демократик бозор ислохотларини ҳамда иқтисодийни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш вазифалар концепцияда белгилаб берилган.

Ўзбекистонда иқтисодийнинг сиёсатдан устуворлиги, давлатнинг бош ислохотчилиги, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш, ислохотларни босқичма-босқич амалга оширишни қамраб олган “Ўзбек модели” тамойиллари, айниқса, бугунги кунда ҳам давом этаётган жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида ҳаётийлигини исботлаб келмоқда. Иқтисодийни бошқаришни ислоҳ этиш, давлат мулкани хусусийлаштириш, жамият ҳаётини эркинлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификациялаш борасида амалга оширилаётган ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсириларига кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситаси бўлиб ҳизмат қилмоқда.

“Ўзбек модели”нинг аҳамиятли жиҳати ундаги беш тамойил бир-бирини тўлдирувчи ва ривожлантирувчи ижтимоий қонуниятларга эгаллиги билан изоҳланади. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ “Янги уй курмай туриб, эскисини бузманг”, “Ислохотлар ислохот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг манфаатлари учун” “Озод бўлсанг озод бўл, эркин бўлсанг эркин бўл!” деган ғоялар миллий мафкура даражасига кўтарилди. Давлатнинг барча бошқарув ресурслари мазкур вазифаларнинг ижросига сафарбар этилди.

Натижалар нимага олиб келди? 2015 йилда иқтисодийтимизни юқори суръатлар билан барқарор ривожлантиришга эришганимиз аҳоли даромадларини янада кўпайтириш, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун мустаҳкам асос яратди. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар 21,9 фоизга, аҳоли жон бошига жами реал даромадлар эса 9,6 фоизга ошди. Юртимиздаги 10 фоиз таъминланган ва 10 фоиз етарлича таъминланмаган аҳоли даромадлари ўртасидаги фарқ, яъни «децил коэффиценти» деб ном олган кўрсаткич барқарор пасайиш тенденциясига эга бўлиб, бу рақам 2010 йилдаги 8,5 фоиз ўрнига 2015 йилда 7,7 фоизни ташкил этди. Даромадлар ўртасидаги фарқни ифода этадиган яна бир халқаро кўрсаткич – Жини индекси мамлакатимизда 2010 йилдаги 0,390 ўрнига 2015 йилда 0,280 ни ташкил этди ва бу натижа дунёнинг кўплаб иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган давлатларига қараганда анча пастдир. Аҳолининг узок муддат фойдаланиладиган

¹⁵Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 19 январь 2015 й.

товарлар билан таъминланиш даражасида сифат ўзгаришлари рўй берди. Хусусан, ҳар 100 оиланинг 42 таси енгил автомобилларга эга бўлиб, бу беш йил аввалги кўрсаткичдан 1,5 баробар кўп, 47 та оила шахсий компьютерлар билан таъминланган ва бу даврда ўсиш 3,9 баробарни ташкил этди. Шунингдек, ҳар 100 та оиладан 31 таси кондиционерга эга ёки бу борадаги ўсиш 1,7 баробарга тенг, ҳар 100 та оилага 234 та мобиль телефон тўғри келмоқда ёки бу соҳадаги ўсиш 1,6 баробарни ташкил этмоқда.

Ёш авлодни соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш борасида вилоят, шаҳар ва туманларда 300 га яқин мусиқа ва санъат мактаблари, 1 минг 900 дан зиёд спорт иншоотлари бунёд этилгани, сўнгги ўн йилда болалар ва ўсмирлар ўртасида спорт билан мунтазам шуғулланиш даражаси 30 фоиздан 57 фоизга, қизлар ўртасида 24 фоиздан 47 фоизга етгани, бу нафақат иқтисодий салоҳиятимизни белгилайди, балки, шу имкониятларимизни халқ фаровонлиги йўлида оқилона сафарбар қила олиш маданиятимизни ҳам белгилайди. Бугунги кунда юртимиздаги 157 қишлоқ туманида 191 болалар мусиқа ва санъат мактаблари барпо этилди. 2015 йилда Ўзбекистон спортчилари жаҳон, Осиё чемпионатлари ва бошқа халқаро турнирларда 860 дан ортиқ медални қўлга киритишга эришдилар. Шунинг 311 таси олтин, 274 таси кумуш ва 276 таси бронза медалларидир¹⁶. Бу ғалабалар ислохотлар натижаси, мамлакатнинг юксалиш нишонаси, миллий салоҳиятнинг намоён бўлиши фарзандларимиз тимсолида ўз ифодасини топапти.

Халқимиз бежизга “оққан дарё оқаверади” деб айтмайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида мустақил ташкилотлар гуруҳи ва халқаро экспертлар иштирокида 2015 йилда 158 та давлатда “Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари” деган мавзуда тадқиқот ўтказилганда, ҳар қайси мамлакатнинг ўз фуқароларини бахтли ҳаёт билан таъминлаш қобилиятини ифода этадиган ушбу индекс бўйича Ўзбекистон 44-ўринни эгаллади. Айтиш жоизки, юртимиз 2013 йилда бу рейтингда 60-ўринда эди¹⁷. Бошқача айтганда, мустақиллик даврида Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган “ўзбек модели” жамиятни ривожлантиришнинг миллий, ўзига хос ривожланиш таълимотини вужудга келтирдик, у жаҳон ҳамжамиятининг эътирофига сазовор бўлди. Жумладан, Халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш яқунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олган. Бундан ташқари, 2015 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида эътироф этилди. Қуйидаги рақамлар олиб борилган халқчил ислохотларнинг ёрқин натижасини ифодалайди. Жумладан, мустақиллик йилларида одамларимизнинг ўртача умр

¹⁶Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 2015 йил 19 январь.

¹⁷Ўша жойда.

кўриш кўрсаткичи 1990 йилдаги 67 ёшдан 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етгани, оналар ва гўдаклар ўлими уч баробардан кўпроқ камайгани изчил ислохотлар натижасидир¹⁸.

2016 йилнинг энг улкан ютуқларимиздан бири бу - Қамчиқ довони орқали ўтган -Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўл линиясининг ишга туширилиши бўлди. У Фарғона водийси вилоятлари ва мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари ўртасида темир йўл орқали юк ва йўловчи ташиш имкониятини яратилди. Шу билан бирга, Хитой — Марказий Осиё — Европа янги халқаро транзит темир йўл коридорининг энг муҳим бўғини бўлиб хизмат қилади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, мазкур темир йўл орқали шу йилнинг ўзида 600 минг йўловчига хизмат кўрсатиш мумкин. Қурилиш даврида 4 минг киши иш билан таъминланган бўлса, темир йўлдан доимий фойдаланила бошлагач, яна 1,5 минг янги иш ўрни яратилади¹⁹.

Булардан ташқари аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам йилдаги-йилга ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда (4-жадвал).

Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар²⁰

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2010	2011	2012	2013	2014□
1	2	3	4	5	6
Доимий яшовчи аҳоли сони, минг киши	29123,4	29555,4	29993,5	30492,8	30759,2
Иқтисодиётда банд бўлганларни ўртача йиллик сони, минг киши	11628,4	11919,1	12223,8	12523,3	12818,4
Пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сони, минг киши	3265,8	3160,9	3070,3	3090,9	3193,5
Аҳолининг реал даромадлари, млрд.сўм	44296,2	58337,7	72293,1	89517,3	98654,1
Мактабгачатаълиммуассасалари сони, бирлик	5375	5221	5192	5160	5240
Умумтаълиммактаблари сони	9806	9780	9779	9758	9764
Ўртамаҳсус, касб-хунартаълиммуассасалари сони	1539	1540	1551	1556	1559
Олийтаълиммуассасалари сони	65	65	64	66	66
Шифохонамуассасалари сони	1158	1181	1225	1128	1238
Аҳолинингуй-жойфонди, млн. кв. метр	427,7	439,5	446,4	457,9	469,2

Хулоса қилинганда, “Ўзбек модели” сиёсий башорат, тахмин ва асоссиз

¹⁸Отабек Мирзаев. Инсон саломатлиги — устувор мақсад. Халқ сўзи газетаси. 12 февраль 2016 йил.

¹⁹ Халқ сўзи газетаси. 23 Июнь 2016.

²⁰Н.Рустамов “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №5, сентябрь-октябрь, 2015 й.

тажрибалардан фарқли ўлароқ, реал ижтимоий ҳаёт таҳлилларига асосланган, ривожланиш қонуниятларини босқичма-босқич уйғунлаштирган миллий дастурга айланди. Бу дастур ўз прагматизми ва сиёсий реализми билан муросасиз ички талабларга эга, давлатчилик тўғрисидаги умумий ва мавжуд қарашларни баъзан инкор қиладиган, баъзан сиёсатчилар ҳазм қила олмайдиган қолипларни бузиш орқали янги давр таълимоти сифатида кириб келди ҳамда “Ўтиш даври” концепцияларининг замонавий (тиранзиталогия) таълимотига асос солди. Бу таълимот кишилиқ жамият қонуниятлари инқироzi ва зиддиятларини ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаёт билан боғлиқ ва бир бутун яхлит ҳолда ҳал этишнинг самарали ёндашувларини тадбиқ этилди. Давлат барқарор, ижтимоий ларзаларсиз ўсиш сўратларини таъминлаш имкониятларини намоён қилди. Бундай сиёсат гуманизмнинг ёрқин ифодаси сифатида ўзини тасдиқлади. Зеро, ўтиш даврида ҳали ҳеч бир мамлакат кўрбонларсиз чиққан эмас.

Ўтиш даври жараёнлари деярли барча давлатларда турли ихтилофлар, тазйиқ ва зуравонликлар, машаққат ва истироблар билан кузатилган. Масалан, Европада юз йиллик уруш, Россия ва Америкадаги фуқаролар уруши, Хитойдаги “Маданий революция”, Япония ва Жанубий Корея иккинчи жаҳон урушидан кейинги машаққатларга тарих гувоҳ. Тарих сабоқлари бирини кўриб фикр қилишга, бирни кўриб шукр қилишга ўргатади. “Ўзбек модели”нинг афзаллиги ўтиш даврида содир бўладиган ихтилофларни бартараф этишга, мавжуд ижтимоий муаммоларни минималлаштиришга, оммани бунёдкорликка сафарбар қилишга қодир таълимот сифатида ўз тасдиғини топди. Чунончи, буни халқаро экспертларнинг эътирофига кўра саккиз йилдан бери давом этиб келаётган жаҳон молиявий инқироз ҳолатида Ўзбекистон ЯИМ кўрсаткичлари 8% тушган эмас.

Албатта, ислохотлар силлиқ ва бир текисда рисоладагидек кечаяпти, десак нотўғри бўлади. Қийинчилик ва машаққат етарли, лекин у фуқаролар ҳисобидан эмас, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг кўламида. Ҳали ҳеч бир давлат қисқа бир даврда бу каби ижтимоий юксалишларга эришган эмас. Бош мақсад жамиятда тинчликни сақлашга, фаровонликни таъминлашга, ҳаётнинг сифат даражасини ўстиришга қаратилганлиги билан демократик жамиятнинг асослари белгиланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг эртанги кунига умид ва ишончларини орттирмоқда, ўзларини чуқур ислохотларга, янгилик ва бунёдкорликка мойил манфаатдор субъектга айланиб бормоқда. Энг муҳими, ўтиш даври қийинчиликлари халқнинг миллий характерини шакллантиряпти, тоблаяпти, замонавий, давр талабларига мос, янгиликларга ўч, изланувчан, соғлом тафаккурли янги авлод вакиллари улғаймоқда. Бу, шубҳасиз, ўтиш даври истиқболлини кафолатловчи маънавий омиллардан ҳисобланади.

Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, ривожланган демократик давлатлар сафидан муносиб ўрин эгаллаш, халқимиз ва келгуси авлодларимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт шароитларини яратиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтириш бўйича улкан, айтиш мумкинки, асрларга тенг бўлган йўл босиб ўтилди.

Охириги 2 йиллик иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини дунёнинг айрим ривожланган мамлакатлари ва Ўзбекистон билан таққосласак, мамлакатимизда мустақиллик йилларида асрларга тенг юксалиш натижаларига эришилганига

гувоҳ бўламиз (5-жадвал). Экилган уруғ ўз ҳосилларини берапти.

Япония		
	ЯИМ, млрд. АҚШ долл. (\$US)	ЯИМ реал ўсиш кўрсаткичи, %
2014	4 596,2	0,0
2015	4 123,3	0,5
Корея Республикаси		
	ЯИМ, млрд. АҚШ долл. (\$US)	ЯИМ реал ўсиш кўрсаткичи, %
2014	1 410,4	3,3
2015	1 376,9	2,6
Россия Федерацияси		
	ЯИМ, млрд. АҚШ долл. (\$US)	ЯИМ реал ўсиш кўрсаткичи, %
2014	2 029,6	0,7
2015	1 324,7	-3,7
Ўзбекистон		
	ЯИМ, млрд. АҚШ долл. (\$US)	ЯИМ реал ўсиш кўрсаткичи, %
2014	63,1	8,1
2015	65,7	8,0

Манба: IMF World Economic Outlook (WEO), April 2016²¹.

Мазкур жадвал маълумотларидан жаҳон молиявий инқирози таъсирида ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш суъратлари пасайган ҳолда Ўзбекистонда ЯИМ барқарор ўсиш суръатларига эришиб келаётгани кўриш мумкин.

Миллий тараққиёт тадрижийлик қонуниятларига бўйсундирилсагина истиқболли натижаларни беради. Бугун жаҳонда тан олинган “ўзбек модели” жамият ривожининг реал сиёсий ва ижтимоий қонуниятларга мос, мустақиллик ва ривожланишга юз тутаётган давлатлар учун энг мақбул йўл экани яна бир бор ўз исботини топди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда узоқни кўзлаб босқичма-босқич амалга оширилаётган концептуал ислохотларнинг самарасидир. Бугун мамлакатимизда эришилган ютуқлар баробарида, уни асраб-авайлаш, ҳушёрликни йўқотмаслик каби вазифаларни юклайди. Юртбошимиз томонидан - “Ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, шиддат билан, жадал суръатлар билан доимо олдинга интилади. Кимки ҳаётнинг тараққиёт суръатлари билан ҳамқадам бўлмаса, унга лоқайд ва беписанд қараса, эришган ютуқларига маҳлиё бўлиб, хотиржамлик ва ҳаволаниш кайфиятига берилса, ҳеч шубҳасиз, тез ўзгариб бораётган тарихнинг бир чеккасида, қолоқлик ва армонда қолиб кетади. Бу – ҳаётнинг бешафқат, аччиқ ҳақиқати ва биз бунини асло унутмаслигимиз керак”²² дея билдирган фикрларида Ўзбекистон бугунга

²¹<http://knoema.ru/tbocwag/gdp-by-country-1980-2015>.

²²Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатасининг биринчи ташкилий йғилишидаги нутқи. 2015. 12 январь.

келиб ўз ривожланиш йўлининг ниҳоятда масъулиятли чорраҳасида турганлигидан далолат беради.